

Фалсафа қомусий луғати

МАЙЯВАДИ – индуизмдаги фалсафий оқим. Бу таълимотга мувофиқ Мутлақ Ҳақиқат ўзининг энг юқори кўринишида шахссиз, ҳеч қандай қиёфага эга бўлмай, тирик мавжудот ҳам сифат жиҳатдан Мутлақ Ҳақиқат б-н бир, яъни руҳий қиёфага эга эмас. Тирик мавжудот ўлгандан кейин Худонинг борлиғига қўшилиб кетади. Шунинг учун ҳар бир тирик мавжудотнинг ўзи Худодир, лекин ҳозир моддий ҳаётда, худди кўза ичидаги ҳаво ташқаридаги ҳаводан кўзанинг танаси б-н ажралиб тургани ва кўза сингандан кейин ҳавога қўшилиб, бир бўлиб кетиши сингари, моддий тана ўлгандан кейин, инсоннинг ҳақиқий ўзлиги бўлган руҳ ҳам Худога қўшилиб, Худо б-н бир бутун бўлиб кетади. Шунинг учун ҳар қандай ўлим ҳам тирик мавжудотнинг Худо б-н қўшилишига олиб келади, деган хулосага олиб келувчи таълимот. М. таълимотига амал қилувчилар асосан Ҳиндистонда макон топган.